

Narsalarning asl mohiyatini bilishga olib boradigan  
yo'llar - hissiy anglash, rost xabar va aqldir.

Imom Moturidiy

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Уйғун ҒАФУРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Махмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

**Назир Мухаммад АЙЁД** (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

**Режеп ТУЗЖУ** (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети хузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчisi

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ** (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

**Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 23 ноябрдаги 04-07/8931-сонли холосаси асосида тайёргланди.



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ҲАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**Бош муҳаррир:**  
**Жамолиддин Каримов,**  
*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Муҳаррир ўринбосари:**  
**Зафар Фахриддинов,**  
*Исломчинослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори*

**Саҳифаловчи:**  
**Зарифжон Арслонов**

**Дизайнер:**  
**Зарифжон Гуломов**

«Мотуридийлик» журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги  
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

**Таҳририят манзили:**  
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

**E-mail:** maturidijournal.uz  
**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz  
Телефонлар: (+99871) 244-35-21,  
(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

**Zohidjon Islamov.**

«Муқаддамату-л-адаб» арабча сўзлигининг матний таҳлили..... 5

**Ramil Adygamov.**

Междисциплинарные подходы в исследованиях истории богословия..... 13

**Zafar Fakhreddinov.**

«Вужух ва назоир» илмида ижод қилган олимлар ва унга оид асарлар таҳлили ..... 23

**Jurabek Chutmatov.**

Ҳаким Термизий тафсирининг илк нашри ..... 31

**Ahmadkhan Alimov.**

Абул Лайс тафсири манбалари ва муфассирнинг услублари..... 42

### ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

**Azat Sarsenbaev, Nurulloh Turambetov.**

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида Қуръондан ҳуқуқий манба сифатида  
фойдаланиш услуби ..... 51

**Muhammadnur Murodkhanov, Khaydarali Yunusov.**

Imom Saraxsiy – xalqaro huquqshunos olim..... 59

### ДИНШУНОСЛИК

**Nigora Yusupova.**

Ўзбекистонда давлат қурилиши дунёвийлик принципларига асосланишининг  
ҳуқуқий асослари ..... 65

**Odiljon Ernazarov.**

Shamsuddin Samarcandiying xristianlik haqidagi qarashlari ..... 74

**Jurabek Sodikov.**

«Ta’vilot ahl as-sunna»da keltirilgan noislomiy din va e’tiqodlarga oid ma'lumotlar tahlili ..... 80

**Shahzoda Abduraimova.**

Distribution of religious media contents on websites in Germany ..... 90

**Behzodbek Soipov.**

Жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда бағрикенглик тамоилиининг  
аҳамияти ..... 96

### ИСЛОМ ТАРИХИ

**Sanabar Djurayeva.**

Toshkent viloyati ziyoratgohlarining tasnifi ..... 103

**Muhabbatkhan Agzamova.**

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарининг тарихий жараёнларни тадрижий  
ёритишдаги аҳамияти ..... 108

**Lola Azimova.**

Марказий Осиё цивилизацияси ривожида илмий масканларнинг ўрни ..... 115

**Oybek Sotvoldiyev.**

«Ат-Табақот ал-кубро» асари – сийрат ва тарожимга оид манба сифатида ..... 122

**Zarifjon Arslonov.**

Alixonto‘ra Sog‘uniy asarlarining ilmiy tasnifi va ularda ko‘tarilgan  
mavzular tahlili ..... 130

**ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ**

**Doniyor Muratov.**

Арбайн жанри хусусида ..... 139

**Akmalkhan Akmalkhanov.**

«Miftoh al-ulum» asarida bir harfdan iborat yordamchi so‘zlar talqini ..... 148

**Dilfuza Sagdullaeva.**

Рабғузий ижодида оятларни қўллашнинг услугубий хусусиятлари ..... 156

**Feruza Nizamova.**

Dehlaviy ijodida badiiyat an’analari ..... 163

**Bahodirjon Azamov.**

Ҳаким Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг  
манбашунослик таҳлили ..... 171

Dilfuza K. SAGDULLAEVA,

Associate Professor of Classical Oriental Literature  
and Source Studies Department of the International  
Islamic Academy of Uzbekistan, (PhD).

A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.

E-mail: [dilfuzasagdullaeva@gmail.com](mailto:dilfuzasagdullaeva@gmail.com)

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023/4/20

## РАБГУЗИЙ ИЖОДИДА ОЯТЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

## STYLISTIC FEATURES OF USING THE VERSES IN THE WORKS OF RABGHUZI

### СТИЛИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ АЯТОВ В ТВОРЧЕСТВЕ РАБГУЗИ

#### КИРИШ

Маълумки, Қуръони карим барча ўрта аср мусулмон халқларининг адабиётига катта таъсир кўрсатган (Saydumarov, 1995:120-127). Исломий манбалар ва бадиий адабиётнинг ўзаро муносабатлари юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижаси ўлароқ жаҳон шарқшунослигига Р.Никольсон, Т.Хусайн, И.Ю.Крачковский, Е.Э.Бертельс, А.Куделин каби, ўзбек шарқшунослигига Ҳ.С.Кароматов, Н.М.Тўланова, М.Ғ.Сайдумаров, А.Ҳожиаҳмедов, С.Рустамий, О.Давлатов сингари бир қатор олимларнинг илмий-назарий хulosаларини учратиш мумкин. Ўзбек адабиёти асрлар давомида Қуръонни турлича ўзлаштирган. Қуръон матни замон ва макон узра маҳаллий тарихий муҳит билан ўзаро таъсирда бўлиб, ҳар бир халқ ўз тараққиётининг муайян даврида Қуръоний мавзуларни ўз ҳаётини тушуниш учун адабий асарларга киритган. Мазкур жараён натижасида миллий адабиётнинг Қуръон матни билан синтези асосида бадиий ва диний-дидактик асарлар яратилган (Karomatov, 1993:3-5). «Қисаси Рабгузий» асари ҳам ана шундай диний-дидактик асар бўлиб, унинг манбасини Қуръон оятлари ташкил этади (Sagdullaeva, 2020).

#### АСОСИЙ ҚИСМ

«Қисаси Рабгузий» насрий асар бўлишига қарамай, унинг таркибида салмоқли даражада назмий намуналар келтирилган. XV асрнинг охирги

чораги ва XVI асрнинг биринчи ярмида яратилган мумтоз насрий асарларда назм намуналарини ишлатиш анъана тусини олган (Qudratullaev, 1998:278). Насрий асарлар таркибидаги назмий парчалар насрий баёнда ифодаланган фикрни хulosалаш, якунлашда иқтибослар сифатида, шунингдек, муаллифнинг асардаги ғоявий ниятини янада кучайтириб, бўрттириб, эмоционал таъсирчан қилиб бериш учун хизмат қилган (G‘anieva, 1981:36). О.Давлатов фикрича, иқтибос адабий манбаларда алоҳида санъат сифатида гарчи XV асрда қайд этилган бўлса-да, аслида у ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари томонидан бир неча аср олдин қўлланилиб келаётган усул эди (Davlatov, 2017:78).

#### ТАҲЛИЛ

Мумтоз шарқ адабиётида асарда Қуръон оятлари ва ҳадисларни келтириш усули – иқтибос санъати ҳисобланади. Оят сўзи «белги, нишон; мўъжиза, каромат (An-naum, 2003: 39)» каби лугавий маъноларни англатади. Исломга кўра, оят атамаси Қуръон сураларининг бандларини билдириб, Аллоҳнинг ўз элчиси Муҳаммад (с.а.в.) га ваҳий қилиб, бандаларга кўлланма сифатида юборган фармойиши, мўъжизасидир (Islam. Entsiklopediya, 2017:373). Асарга Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анъом, Аъроф, Анфол, Тавба, Юнус, Ҳуд, Юсуф, Иброҳим, Ҳижр, Наҳл, Исро, Кахф, Марям, Тоҳо, Анбииё, Ҳаж, Муъминун, Нур, Фурқон, Шуаро, Намл, Қасас, Анқабут, Рум, Ахзоб, Сабо, Фотир, Ёсин, Соффот, Сод, Зумар, Ғофир, Фуссилат, Шўро, Зухруф, Духон, Жосия, Ахкоф, Муҳаммад, Фатҳ, Ҳужурот, Қоғ, Зориёт, Нажм, Қамар, Воқеа, Ҳадид, Мужодала, Ҳашр, Сағ, Тағобун, Талоқ, Таҳрим, Мулк, Қалам, Ҳоққа, Нух, Муззамил, Қиёмат, Наба, Нозиот, Абаса, Таквир, Мутаффифун, Буруж, Аъло, Балад, Шамс, Лайл, Зуҳо, Шарҳ, Тин, Алақ, Фил, Қурайш, Кофирун каби жами етмиш тўққизта сурадан тўққиз юз олтмиш саккиз оят киритилганлиги аниқланди. Мазкур иқтибос қилинган оятлар асарнинг наът қисмида (оят + туркий фикр) синтактик қурилмаси, насрий матн таркибида (туркий фикр + оят), (оят + туркий фикр), (туркий фикр + оят + оят таржимаси) каби синтактик қурилмалар асосида шакллангани ёритилган. Жузъий ўзгаришга учраган оятлар боғловчи ёки кўмакчи алмашинуви, сўз алмашинуви, жумла турини алмаштириш орқали ўзгаришга учраганлиги таснифланган.

**Аннотация.** Куръони каримнинг ўрта аср мусулмон халқлари адабиётига таъсири натижасида бир қатор мумтоз адабиёт намуналари вужудга келган. Олтин Ўрда адабиётига мансуб илк бор туркий тида ёзилган «Қисаси Рабгузий» асари ҳам ана шундай диний-дидактический асар бўлиб, унинг манбасини ислом динининг муқаддас китоби Куръон ташкил этади. Ўрта асрларда ёзилган мумтоз адабиёт намуналарида Куръон оятлари ҳамда пайгамбар ҳадисларидан олинган парчаларни асар таркибига киритиб, маънени кучайтириши, асар тилини безаши кенг анъана бўлган. Мумтоз шарқ адабиётидаги асарда Куръон оятлари ва ҳадисларни келтириши усули – иқтибос санъати ҳисобланниб, у тақдим этилаётган маълумотни қувватлаши ва далилаш мақсадида қўлланган. «Қисаси Рабгузий» асарида ҳам Куръон оятларидан келтирилган намуналар миқдори кўпчиликни ташкил этади. Мақолада оятлар иқтибос ва бараату-л-истихлял санъати нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, уларни туркий матн таркибида қўллашнинг услубий хусусиятлари изоҳланган. Иқтибоснинг қисман ва тўлиқ келтирилган, шунингдек, маъноси сақланган ва маъноси кўчган турлари мавжудлиги ҳамда оятлар туркий матн таркибида иқтибоснинг ўзгаршиносиз ва бир оз ўзгартириши ҳамда маънога ишора қилиши усувлари орқали қўллангани, уларнинг аксариятини ўзгаршиносиз (айнан) кўчирилган иқтибослар ташкил қилиши мисоллар орқали ёритилган. Асарда ўзгартириши ва маънога ишора қилиши усувлари орқали иқтибос келтириши ҳолатлари озвичиликни ташкил қиласан, жузъий ўзгартириши орқали қўлланган иқтибосларда оятлар маъноси сақланган. «Қисаси Рабгузий»да Куръони каримнинг етмиши тўққизта суранинг тўққиз юз олтмиши саккиз ояти иқтибос тарзида келтирилгани, қисса таркиби ва шеърий парчаларда иқтибоснинг шаклий жиҳатдан қисман ва тўлиқ, маъно жиҳатдан маъноси сақланган ва маъноси кўчган турлари қўлланганлиги аниqlangan.

**Калим сўзлар:** Куръон оятлари, иқтибос, бараат ал-истихлял, усувлар, балогат илми, тамойил, адабиёт, услубий хусусиятлар.

**Abstract.** As a result of the influence of the Holy Qur'an on the literature of the medieval Muslim nations, a number of classic literature examples were created. The work «Qisas-i Rabghuzi», written in Turkish for the first time and belonging to the literature of the Golden Horde is a sample of such religious-didactic work, the source of which is the holy book of Islam, the Qur'an. In the examples of classical literature written in the Middle Ages, there was a wide tradition of adding excerpts from the verses of the Qur'an and hadiths of the Prophet to enhance the meaning and embellish the language of the work.

In classical Oriental literature, the method of quoting verses of the Qur'an and hadiths in the work is considered as the art of citation, and it is used to support and prove the presented information. In the work «Qisas-i Rabghuzi», there are many samples from the verses of the Qur'an. In the article, the verses are analysed from the point of view of citation and baraat al-istihlal, and the methodology of researching the Qur'an verses in the work «Qisas-i Rabghuzi» is highlighted. There are partial and complete types of quotations, as well as retained and changed meanings' ones. In the article, the verses are used in the Turkish text through the methods of quotation without change and a little change, as well as referring to the meaning. In the work, the cases of quoting through the methods of changing and referring to the meaning were a minority, and the meaning of the verses was preserved in the quotes being used through partial changes. It was found that, in «Qisas-i Rabguzi», nine hundred and sixty-eight verses of the seventy-nine surahs of the Holy Qur'an are quoted. In the verses included in the short stories, partial, complete, and meaning-preserved types are used more.

**Keywords:** The verses of the Qur'an, citation, baraat al-istihlal, methods, the science of balagha, principle, literature, stylistic features.

**Аннотация.** В результате влияния священного Корана на литературу средневековых мусульманских народов, был создан ряд образцов классической литературы. Таким религиозно-дидактическим произведением, источником которого является священная книга ислама Коран, является произведение «Қисаси Рабгузий», написанное впервые на тюркском языке, и принадлежащее к литературе Золотой Орды. В образцах классической литературы, написанных в средние века, существовала широкая традиция добавления отрывков из аятов Корана и хадисов пророка для усиления смысла и украшения языка произведения.

В классической восточной литературе метод цитирования аятов Корана и хадисов в произведении считается искусством и используется для подтверждения и доказательства изложенной информации. В произведении «Қисаси Рабгузий» имеется множество примеров из аятов Корана. В статье аяты анализируются с точки зрения искусства красноречия и бараату-л-истихлял, а также освещается методология исследования аятов Корана в произведении «Қисаси Рабгузий».

Встречаются типы цитат, как частичные и полные, так и сохраненные и с измененной семантикой. В статье аяты используются в тюркском тексте методом цитирования без изменения. В произведении случаи цитирования посредством способов изменения и обращения к смыслу были применены реже, а смысл аятов сохранялся в использованных цитатах посредством частичных изменений.

Цитирование аятов через синтаксический инструмент бараату-л-истихлял служило более полному раскрытию того или иного признака, качества, характера и сущности образов пророка в произведении.

**Ключевые слова:** Аяты Корана, цитата, бараату-л-истихлял, методы, искусство красноречия, принцип, литература, стилистические особенности.

Иқтибос санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг муҳим омили – Қуръони карим ва пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларини жамият маънавиятининг ажралмас қисмига айлангани, одамларнинг онига сингдирилгани ва кундалик ҳаётнинг ҳамма соҳаларида дастуруламал каби кўлланганидадир (Davlatov, 2017:15-16).

﴿إِقْتِبَاس﴾ (иқтибос) сўзи (VIII боб; масдар шакл) вазнидан ясалган бўлиб, قبس ӯзагидан олинган. Луғавий маънолари: 1) ўзлашма; 2) ўзлаштириш; 3) ҳавола, иқтибос (Ruştamiy, 2019).

«Илм ўзлаштироқ» маъносидаги бу сўз Қуръон ояtlари ва пайғамбар ҳадисларини шеър ичида келтириш ёки уларнинг мазмунини шеърда ифодалаш санъати номидир. Мусулмон мамлакатларининг шоирлари бу усулга кенг мурожаат қилиб, ўзларининг лирик ва лиро-эпик асарларида ояtlар ва ҳадисларни келтирсанлар (Hojiaḥmedov, 1999:60-61).

Араб балогатида эса Қуръон ва ҳадисдан бир оз ўзариш билан киритилган матнлар иқтибос саналади (Ruştamiy, Lutfullaeva & Gulomova, 2020). Иқтибос маъно жиҳатдан кўлланилишига кўра икки турга бўлинади:

Асл маъноси сақланган иқтибос.

Маъноси кўчган иқтибос (Ruştamiy, 2017:141).

Асарда келтирилган ояtlarda иқтибоснинг шаклий жиҳатдан қисман ва тўлиқ, маъно жиҳатдан маъноси сақланган ва маъноси кўчган турлари ҳам наср, ҳам назмда кўлланилган ҳолда қуидаги принциплар асосида иқтибос қилинган:

ояtlarni айнан кўчириш;

ояtlarga жузъий ўзгартириш киритиш орқали;  
оят маъносига ишора қилган ҳолда келтириш.

Мазкур принциплар асосида келтирилган ояtlar асарнинг наът қисмида, насрый матн таркибида ҳамда назмий парчаларда учрайди.

Асарнинг наът қисмида иқтибос қилинган ояtlar. Маълумки, ўрта аср мумтоз адабиёти намуналари анъанавий тарзда басмала, Яратганга ҳамд ва пайғамбар (с.а.в.)га наът тарзида бошланади. Асарнинг Одам (а.с.), Идрис (а.с.), Нуҳ (а.с.), Ҳуд (а.с.), Солих (а.с.), Иброҳим (а.с.), Исмоил (а.с.), Исҳоқ (а.с.), Лут (а.с.), Яъқуб (а.с.), Юсуф (а.с.), Довуд (а.с.), Сулаймон (а.с.), Юнус (а.с.), Илёс (а.с.), Жиржис (а.с.) ва Мухаммад (с.а.в.) қиссаларининг бошида ҳар бир пайғамбар сифати ва фаолиятига оид ояtlardan бароъату-л-истиҳлол тарзида кўлланган иқтиboslar келтирилган. Бароъату-л-истиҳлол «бошланишдаги моҳирлик (чечанлик)» маъносини ифодалаб араб балогатида бу санъатнинг турида мақсад тўғридан-тўғри айтилмай, нозик

ишоралар воситасида ифодаланиши таъкидланади. Бароъату-л-истиҳлолнинг бу турини ажам олимлари ҳусн-и матлаъ ёки ҳусн-и ибтидо санъати деб алоҳида ном билан атаганлар (Ruştamiy, 2017:115; Atoulloh Husayniy, 1981:250-252). Асарда муаллиф пайғамбарларга оид деярли ҳар бир қисса ибтиdosида бароъату-л-истиҳлолни кўллаган ҳолда, ояtlardan баъзан қисман, баъзида тўлиқ иқтибос келтириш билан бошлади. Жумладан, асарнинг Qişṣai Nuḥ nabī ‘alayhi-s-salām бўлими қуидагича бошланади: *عَلَيْكُمْ نَذِيرٌ مِّنِّيْ... (...الْأَلْفَاظُ إِنَّهُ كَانَ عَفَّارًا* (Бас, дедимки: Раббингиз (Аллоҳ)дан мағфират сўрангизлар, албатта, У ўта кечиримли зотdir (Абдулазиз Мансур, 2001:71/10) ter tūnājāt qīlyan, kāfirlar elgindā arīy sūjūklar sababīndīn رَبَّ لَا تَنْزَ عَلَى الْأَرْضِ مِنَ الْكَافِرِينَ دِيَارًا (Эй, Раббим, ер юзида кофиirlardan бирорта (тирик) юрувчини қолдирмагин (Абдулазиз Мансур, 2001:71/26), ter du‘ā qīlyan, فَأَنْجِبْتُهُ وَمَنْ مَعَهُ فِي الْأَنْكَابِ... (Бас, Биз унга ва у билан бирга бўлган кишиларга (ичи) тўла кемада нажот бердик (Абдулазиз Мансур, 2001:26/119) taṣrīfini bułyan, يَا نُوحُ ابْنِ سَلَامٍ مَّنًا..... (Эй, Нуҳ! Биздан (бўлмиш) саломатлик ила сенга ила сен билан биргаликдаги жамоаларга (аталган) баракотлар билан (кемадан ерга) тушгин! (Абдулазиз Мансур, 2001:11/48) hīl‘atīnī alyan, سَلَامٌ عَلَى نُوحٍ فِي الْعَالَمِينَ (Оламларда Нуҳга салом! (Абдулазиз Мансур, 2001:37/79) yarlıqin ešitkān Nuḥ nabī ‘alayhi-s-salām». Юқорида кўриниб турганидек, Нуҳ алайҳи-с-салом қиссанинг ибтиdosида Нуҳ, Шуаро, Ҳуд ва Ва-с-соффот сураларидан қисман иқтиboslar ўзаришсиз кўлланган. Келтирилган барча ояtlarda Нуҳ алайҳи-с-салом ва унинг фаолиятига доир фикрлар мавжуд. Мазкур фикрларнинг қисса аввалида келтирилиши бароъату-л-истиҳлолdir.

Шунингдек, асарнинг Qişṣai di-l-qarnayn бўлнимининг ибтиdosи «Qişṣai di-l-qarnayn. Qavluluha ta‘āla» (Яна Сиздан Зулқарнайн ҳакида сўрайдилар (Абдулазиз Мансур, 2001:18-83) тарзида Каҳф сурасининг 83-оятидан бароъату-л-истиҳлол санъати орқали қисман иқтибос келтириш билан бошланган. Бўлим аввалида иқтибос қилинган мазкур оят биринчидан, Зулқарнайн шахсияти ҳакидаги маълумотлар Қуръони каримда мавжуд эканлигига тасдиқ бўлса, иккинчидан, қисса ривожида Зулқарнайн шахсияти борасидаги фикрлар давом этишига нозик ишора хисобланади.

Насрий матн таркибида келтирилган ояtlar. Асар насрда ёзилгани боис, аксарият иқтибос қилинган ояtlar туркий матн таркибида учрайди.

Иқтибослар дастлаб туркий фикр келтириш ва уни оят билан далиллаш ёки аксият, дастлаб оят келтириш ва уни туркий тилда тафсир қилиш (изохлаш) тарзида қўлланган.

(Туркий фикр+оят). Асардаги аксият иқтибослар туркий фикрни оят билан тасдиқлаш тарзида келтирилган. Ўғриликнинг турлари ва оқибатлари ҳакидаги туркийда ифодаланган фикрдан сўнг Моида сурасининг 38-ояти «Māl oyg̃is̃iñĩ elgin kesärlär. Qavlulu ta‘alā: وَالسَّارِقُ فَاقْطُعُوا أَيْدِيهِمَا» (Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг кўлларини кесинглар (Абдулазиз Мансур, 2001: 5-38); дўзах эгаларига истеъмоли ман қилинган егуликлар тўғрисидаги фикрдан сўнг, Аъроф сурасининг 50-ояти «Učmaxlīylar ayyaylar: Iđi ‘azza wa jalla bu yem ićimni kāfirlara ḥarām qīlip turur. Qavlulu ta‘alā: إِنَّ اللَّهَ حَرَمَهُمَا عَلَى الْكَافِرِينَ» (Албатта, Аллоҳ ҳар икки (нарса)ни кофирларга ҳаром қилган (Абдулазиз Мансур, 2001: 7-50) тарзида қисман иқтибос қилинади. Юқоридан қўриниб турибдики, туркийда ифодаланган фикрдан сўнг оятнинг иқтибос қилиниши нутқнинг таъсирчанлигини оширган. Оятларни қўллашда қисман иқтибос қилинган оятлар сони олти юз ўттиз саккизтани ташкил этади. Илк иқтибос асарнинг ҳамд қисмida Исро сурасининг 70-оятидан келтирилади: «Sansiz hamdu sanālār va saqīsiz köp šukrlar ul Tājriya kim jalla jalāluhu kim qudrati birlä bizni ādam yaratdī, yīlqī qara yaratmadī. وَ لَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمْ (Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик... (Абдулазиз Мансур, 2001:17/70)». Кўриниб турибдики, мазкур оятда иқтибоснинг асл маъноси сақланган ҳолда, қисман келтирилган.

Иқтибос қилинган оятларнинг аксияти قوله تعالى خبراً qavlulu Ta‘alā (Яратган қаломи), قوله تعالى خبراً عنہ qavlulu Ta‘alā habaran ‘anhu (Яратган у ҳакида хабар беради), قوله تعالى خبراً عنهم qavlulu Ta‘alā habaran ‘anhūm (Яратган улар ҳакида хабар беради), قوله تعالى مولیٰ Mawlā ta‘alā qavlulu каби арабий сўз бирикмаси ва жумлалар билан тасдиқланади. Масалан, Иблиснинг қиёматга қадар Яратгандан сўраган мухлати ҳакидаги оят иқтибос қилинаётган пайтда قوله تعالى خبراً عنہ qavlulu Ta‘alā habaran ‘anhu жумласи билан қўйидагича тасдиқланган. «Iblīs uzun yaş tīlādī qiyāmatya tegi. Qavlulu Ta‘alā habaran ‘anhu: رَبِّ فَانْظُرْنِي إِلَى يَوْمِ يُبَعْثُونَ» (Иблис Қиёматга қадар узун ёш тилади ва Аллоҳ таоло у (Иблис) ҳакида шундай хабар беради: Эй, Раббим, у ҳолда менга (улар) қайта тириладиган кунгача мухлат бергин (Абдулазиз Мансур, 2001:38/79). Мазкур жумладаги «habaran ‘anhu» (у ҳакида хабар беради)

синтактик бирлиги Иблис тўғрисидаги фикрларга таъкидни кучайтириш мақсадида қўлланган. Баъзан бу ибораларнинг туркий ифодасидаги «Mawlā ta‘alā yarlıqar», «Iđi ‘azza va jalla yarlıqar» каби эквивалентлари туркий жумла аввалида келтирилган. «Mawlā ta‘alā yarlıqar: Muḥammad Muṣṭafā čiqtī, ay yarıldī, qiyāmat yavuštī, ter. Qavlulu Ta‘alā: اقتَرَبَتِ السَّاعَةُ وَأَنْشَقَ الْفَمُ» (Қиёмат яқинлашди. (Мана) ой ҳам бўлинди (Абдулазиз Мансур, 2001: 54-1). Баъзида туркий ифодадан сўнг ояллар тасдиқ ибораларсиз қисман иқтибос қилинган. «Sulaymān ul sözni eșitti külümsip aydī: Iđiya mäpjä tawfiq bergil sen xušnud bolýunteg işlär قَبَّسَ صَاحِبًا مِنْ قَوْلَهَا وَقَالَ زَبَّ أُوزْ غَنِيَّ أَنْ أَشْكَرْ نَعْمَلَكْ... الَّتِي أَنْعَثَتْ عَلَيَّ وَعَلَى وَالدَّيْرَ وَأَنْ أَعْمَلْ صَالِحًا تَرْضَاهَ» (Бас, унинг сўзидан табассум қилди ва: «Роббим, мени Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр этишимга ва Сен рози бўладиган солих амаллар қилишимга муюссар этгин» (Абдулазиз Мансур, 2001:27-19). Келтирилган мисолда Намл сураси 19-оятининг бир қисми иқтибос қилинган. Туркий тилдаги ифоданинг хulosasi ояллардан унумли фойдаланилган ҳолда иқтибослар орқали далилланган. Масалан: ...Anda keđin jān kögüzijä keldi, ašuqtī qoryalī oyradī, qora bilmädi. (Яъни: Бундан сўнг, жон (Одамнинг) кўксига келди, ўрнидан туришга шошилди, тура олмади). Ul yoldīn Mawlā ta‘alā qavlulu (Инсон шошқалоқ қилиб яратилгандир (Абдулазиз Мансур, 2001:21-37). Инсонга хос бўлган шошқалоқлик одати Анбиё сурасининг 37-оятини қисман келтириш орқали далилланган .

(Оят+туркий фикр). Асарда дастлаб қисман ёки тўлиқ оят, сўнг туркий тилдаги таржима ёки изоҳ шаклидаги иқтибосларга ҳам кенг ўрин берилган. مَذَلَّةُ الْأُنُونِ إِذْ ذَهَبَ مُغَاضِبًا فَطَنَ مَذَلَّةُ الْأُنُونِ إِذْ ذَهَبَ مُغَاضِبًا فَطَنَ (Зуннуннинг (ўз қавмида) газабланган ҳолда кетиб, Бизни унга қарши чиқа олмайди, деб ўйлаган пайтини эсла (Абдулазиз Мансур, 2001:21-87). Ya'nī, Yūnus övkälig bardī, anday ḥayāl qıldī kim, biz anij üzä qādir ermäsmiz. Юқорида Анбиё сурасининг 87-ояти қисман иқтибос қилиниб, туркий тилдаги таржима келтирилган.

Асарда (тўлиқ оят + туркий таржима) шаклидаги иқтибослар қисман келтирилган иқтибосларга нисбатан камроқ қўлланган. Шундай бўлса-да, асарда Қуръоннинг қисқа бир оятидан олти оятигача микдорда тўлиқ иқтибос қилинган ҳолатлар аниқланди. Масалан: Alar munī sözläyürda Rasūl tītrayur erdi, Jabräīl keldi bu sūranī keltürdi. Qavlulu Ta‘alā: فَلَيَأْتِهَا الْكَافِرُونَ لَا أَعْبُدُ مَا تَعْبُدُونَ (Айтинг:

«Эй, кофирлар! Мен сизлар ибодат қилаётган нарсага ибодат қилмасман (Абдулазиз Мансур, 2001:109). Yā Muḥammad ayyil: Ey kāfirlar sīz tapunyapşa men tapunmas-men.

Худди шу тарзда Кофирун сурасининг олти ояти кетма-кетликда тўлиқ иқтибос қилиниб, туркий таржима билан келтирилган. Оятлардан бу тарзда иқтибос қилиш уларнинг тузилишига боғлиқ бўлиб, тугал фикрни бериш мақсадида асосан қисқа ояtlар кетма-кетлигидан фойдаланилган.

(Туркий фикр + оят + оят таржимаси). Асарда баъзан туркий фикр оят билан далилланиб, оятдан сўнг яна туркий изоҳ бериш ҳолатлари ҳам учрайди. Māl mulk qamuy Rasūlniṣ boldi.... Qavluhu Ta‘ālā: وَوَجَدَكَ عَالِيًّا فَأَغْنَى (Сизни камбағал ҳолда топиб, бой қилмадими? (Абдулазиз Мансур, 2001:93-8) Ya‘nī, Muḥammad eṣṭay erdi, Ḥadīja mālī birlä bayittī. Тўлиқ иқтибос қилинган оятдан аввал ҳам, кейин ҳам ўзига хос содда услубда келтирилган туркий изоҳлар ояtlарнинг халққа тушунарли бўлишига хизмат қилган. Оятдан сўнг таржима келтирилмай, маъносига ишора қилинган ҳолда туркий фикр билан давом этган иқтибослар ҳам мавжуд. Масалан: Qarīnqa aydi: Mawlā ta‘ālā yarlıqar, qavluhu Ta‘ālā: وَالْأَرْضَ فَرَسَّاهَا فَنِعْمُ الْمَاهُدُونَ (Ерни эса (ёйиб) тўшаб қўйдик. Бас, (биз) нақадар яхши ёювчиidirmiz! (Абдулазиз Мансур, 2001:51-48) Bu kej yer kifāyat bolmaymī?

Пайғамбарларнинг дуо ва фикрларини ифодаловчи баъзи ояtlар туркий матн таркибиغا таржимасиз кўчирма қилинган. Масалан: Nūḥ ‘alayhi-s-salām öz qawmīya a’dāb tilādi: رَبَّ لَا تَزَّعْ عَلَى الْأَرْضِ مِنَ الْكَافِرِينَ دَيَّارًا (Эй, Рabbim, ер юзида кофирлардан бирорта (тирик) юрувчини қолдирмагин (Абдулазиз Мансур, 2001:71-26) тер. Нуҳ (а.с.)нинг ўз қавмига қилган дуоси Нуҳ сурасининг 26-оятидан ўзгаришсиз иқтибос қилинган.

Асарда оят маъносига путур етмаган ҳолда, жузъий ўзгаришга учраб, иқтибос қилинган ояtlар озчиликни ташкил қиласи. Ояtlарнинг ўзгариши қуидаги ҳолатларда кузатилади.

1. Боғловчи ёки кўмакчи алмашинуви.
2. Сўз алмашинуви.
3. Жумла турини алмаштириш.

Боғловчи ёки кўмакчи алмашинуви орқали оят ўзгариши. Иқтибос қилинган ояtlарда маъно сақланган ҳолда бириктирувчи боғловчи (Nosirova, 2005:134) ва олд кўмакчиларни ўзгариши ҳолатлари учради. Масалан: Ilyās aydi: şabr qīlīn Mawlā biziż aramizda hukm qīlγunča. Qavluhu Ta‘ālā: وَاصْبِرُوا حَتَّىٰ يَعْلَمَ اللَّهُ بِيَنَتِنَا (...ўртамизда Аллоҳ).

хукм қилғунга қадар сабр қилингиз (Абдулазиз Мансур, 2001:7-87). Аъроф сураси 87-оятида келтирилган فاصِبُرُوا сўзидағи ғириктирувчи боғловчи асарда ғириктирувчи боғловчисига ўзгаришилган ҳолда келтирилади. Бу ўзгариши маънога таъсир қилмаган. Яна бир ҳолат: ёмонлар билан дўст тутинмаслик тўғрисида сўз борар экан, муаллиф:... bu künki yaman eš qoldaşlar taŋla barčasī dušman boylusü. Qavluhu Ta‘ālā: الْأَخْلَاءِ يَوْمَئِنْ بَعْضُهُمْ بَعْضًا إِلَّا المُتَقِّنُونَ тарзида Зухруф сурасининг 67-оятидан тўлиқ иқтибос келтиради. Асли оят عَدُوُ إِلَّا المُتَقِّنُونَ (У кунда тақволилардан ўзга дўстлар бир-бирларига душмандирлар (Абдулазиз Мансур, 2001:43-67) тарзида бўлиб, оятдаги ل (li) кўмакчиси билан кўлланган liba‘d) ибораси асарда ل кўмакчисининг ўрнига насл ҳолатидаги (тушум келишиги) (ba‘dan) сўзи билан маънога таъсир этмаган ҳолда алмаштирилган. Лекин بعضان сўзидан кейин келаётган عَدُو (душман) сўзи кўлёзмада тушириб қолдирилган.

Сўз алмашинуви ёки сўз қўшиш орқали оят ўзгариши. Абу Bakr Siddiq (r.a.) ҳақидаги бўлимда Нисо сурасининг 125-оятидан қисман иқтибос «Rasūl ‘alayhi-s-salām Mawlā yarlıqı birlä Abū Bakr Śiddiqnī tafsīl alfi birlä laqabınıñ āyat üzä on yerdä yād qīldi. Qavluhu ta‘ālā: وَمَنْ أَحْسَنْ قَوْلًا مَمْنُ عَدُوٌ أَحْسَنَ قَوْلًا مَمْنُ أَسْلَمَ وَجْهَهُ اللَّهِ تَعَالَى، أَسْلَمَ وَجْهَهُ اللَّهِ تَعَالَى» тарзида келтирилган. Оятнинг асли اَنَّمَا مَنْ أَحْسَنَ دِيَنًا مَمْنُ أَسْلَمَ وَجْهَهُ اللَّهِ تَعَالَى ҳолида юзини Аллоҳга бўйин сундирган.... яхшироқ дин борми? (Абдулазиз Мансур, 2001:4-125) бўлиб, оятдаги دِيَنًا (дин) сўзи асарда قوْل (сўз) лексикасига ўзгаришилган. Иқтибос Абу Bakrga берилган «сiddiq» лақаби ҳақида бўлиб, «ундан яхшироқ сўз мавжуд эмас» деган маънода кўлланган. Муҳаммад (с.а.в) наътига бағишланган қисмда Шуро сураси 52-оятининг إِنَّمَا لَهُنَّ هُنَّ مُسْتَقِيمُونَ (Албатта, Сиз (вахий ёрдамида) тўғри йўлга бошлайсиз (Абдулазиз Мансур, 2001:42-52) қисми hidāyatlıy тарзида لَهُنَّ هُنَّ مُسْتَقِيمُونَ (Ləhənən hənən Məstəqim) тарзида иқтибос қилинган. Оятдаги لَهُنَّ (Сиз тўғри йўлга бошлайсиз) жумласига هُنَّ (бу ерда: уларни) бирикма олмоши қўшилиши натижасида (Сиз уларни тўғри йўлга бошлайсиз) шаклига ўзгаришилган.

Жумла турини алмаштириш орқали оят ўзгариши. Юсуф сурасининг 100-ояти асарда Аллоҳ сифати ҳақидаги қисмини ўзгариши орқали кўлланган. Масалан: Meniż İdīm ‘alīm turur, ḥakīm turur إِنَّمَا عَلِيهِ حَكِيمٌ... (Албатта, унинг Ўзигина билим ва хикмат соҳибидир (Абдулазиз Мансур, 2001:12-100) тарзида келтирилади. Оятдаги هُنَّ ажратувчи олмоши билан ҳосил бўлган исмий жумла асарда

содда исмий жумла шаклида қўлланган. Бу эса маънога таъсир кўрсатмаган. Умуман олганда, асарда қўлланган оятларда қатъий ўзгариш кузатилмайди.

Асарда туркий дуо таркибида келтирилиб, оятга ишора қилинган иқтибослар ҳам мавжуд. Qiyāmat kün iki yol bašında kāfirlaryga qoşmayin ulardin ayīrīp, فَرِيقٌ فِي الْجَنَّةِ zumrasında bolmaqnī sen Allāh ruzi qılı ber. Юкоридаги فَرِيقٌ فِي الْجَنَّةِ (Бир гурух жаннатда...(Абдулазиз Мансур, 2001:42-7) ибораси Шўро сурасининг 7-оятига ишора ҳисобланади.

Асарда туркий жумла таркибида тўрт халифага нисбат берилиб, оятга ишора қилинган иқтибослар ҳам мавжуд. Масалан: (ع) وَاللَّذِينَ مَعَهُ (у билан бирга бўлганлар (Абдулазиз Мансур, 2001:48-29) Abū Bakr turur, أَشِدَّاءُ عَلَى الْكُفَّارِ (кофиirlарга қаҳрли (Абдулазиз Мансур, 2001:48-29) 'Umar turur, رَحْمَاءُ بَنَيَّهُمْ (ўзаро раҳмдил (Абдулазиз Мансур, 2001:48/29) 'Usmān turur, نَرَاهُمْ رُكْغًا سُجَّدًا (...рукуъ ва сажда қилган ҳолларини кўрасан (Абдулазиз Мансур, 2001:48-29) 'Alī turur. Фатҳ сурасининг 29-оятидан зарур бўлаклар келтирилиб, Абу Бакр (р.а.)нинг Мұхаммад (с.а.в.) билан бир сафда турғанлари, Умар (р.а.)нинг кофиirlарга шиддат кўрсатганлари, Усмон (р.а.)нинг меҳрибонлик сифатлари ва Али (р.а.)нинг сажда сабабли юзлари нурли эканлигига моҳирона ишора қилинган.

Оятларнинг бу принципда қўллаш ҳолатлари назмий парчаларда ҳам ўз аксини топган.

Шеърий парчада келтирилган оятлар. XV асрнинг охирги чораги ва XVI асрнинг биринчи ярмида яратилган мумтоз насрый асарларда назм намуналарини ишлатиш анъана тусини олган. Прозаик асарлар таркиbidаги назмий парчалар насрый баёнда ифодаланган, фикрни хulosалаш, якунлашда иқтибослар сифатида, шунингдек, муаллифнинг асардаги foявий ниятини янада кучайтириб, бўрттириб, эмоционал таъсирчан қилиб бериш учун хизмат қилган. Асардаги назмий парчаларда келтирилган оятлар асосан қисман иқтибос қилиниб, маънога ишора тарзида қўлланган.

Men Muhammed ummati-men teyü yalğan sözlämä,

Na Uğan tapgın qılur-sen na rasulniy sunnatin.  
فَاعْسِلُوا nij 'amrni tut, حافظُوا  
Andin anij ummati bol tap şahaba şuhbatin  
(181v13).

Учинчи мисрада келтирилган faġsilū يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا сўзи Моида сурасининг 6-оятидан «إِذَا فُتِّئْتُمْ إِلَي الصَّلَاةِ فَاعْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ» – «Эй иймон келтирганлар! Намоз (ўқиш)га турар

экансиз, албатта, юзларингизни, кўлларингизни тирсакларигача ювингизлар (MA 5/6)» ва حافظُوا عَلَى الصَّلَاةِ hāfiżū сўзи Бақара сурасининг – «Намозларни ва ўрта намозни сақланглар ва Аллоҳга бўйинсуниб туринглар (MA 21/39)» 238-оятидан қисман иқтибос қилинган. Муаллиф бу икки оятдан иқтибос қилиш орқали «намоздан олдин покланиш» ва «намоз ўз вақтида амалга оширилиш» кераклигига ишора қилмоқда.

### НАТИЖА

«Қисаси Рабгузий» асарида қўлланган Қуръон оятларини услубий хусусиятларини ўрганиш натижасида:

1. Муаллиф тақдим этилаётган фикрни қувватлаш ва далиллаш мақсадида иқтибос санъати имкониятларидан моҳирона фойдаланган.

2. Бароъату-л-истихлол орқали оятлардан иқтибос қилиш асардаги пайғамбар образларига хос хусусиятларни янада тўлиқроқ очишига ёрдам берган.

3. Қуръон оятларидан айнан кўчириш, жузъий ўзгартириш орқали кўчириш ва оят маъносига ишора қилган ҳолда келтириш принциплари воситасида иқтибос қилингани аниқланди.

4. Асарда ўзгаришсиз қўлланган иқтибос салмоқли миқдорда бўлса, ўзгартириш ва маънога ишора қилиш принциплари асосидаги иқтибос келтириш ҳолатлари озчиликни ташкил қиласи. Жузъий ўзгартириш орқали қўлланган иқтибосларда оятлар маъноси сақланган.

5. Асарда етмиш тўққизта суранинг тўққиз юз олтмиш саккиз ояти иқтибос тарзида келтирилган. Оятларнинг олти юз ўттиз саккизтаси қисман, икки юз саксон саккизтаси тўлиқ иқтибос қилинган.

6. Қисса таркибида келтирилган оятларда иқтибоснинг қисман, тўлиқ ва маъноси сақланган туридан кўпроқ фойдаланилган бўлса, шеърий парчаларда оятлар қисман келтирилиб, маънога ишора қилинган иқтибослардан фойдаланилгани аниқланган.

### ХУЛОСА

Рабгузий ижодида Қуръон оятларидан фойдаланиш орқали пайғамбарларнинг мустаҳкам имони, сабри ва юксак фазилатлари очиб берилган. Тақдим этилаётган фикрни қувватлаш ва далиллаш мақсадида иқтибос санъати имкониятларидан

мохирона фойдаланилган. Бироз ўзгартериш принципи орқали қўлланган иқтибосларда оятлар маъноси сақланиб, мазмунига путур етмаган. Пайғамбарлар наъти, саҳобалар мадҳи ва шеърий парчаларда оятлардан қисман келтирилиб, маънога ишора қилинган бўлса, қолган ўринлардаги оятларда иқтибос қисман ва тўлик шаклда қўлланган.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Муаллифлар жамоаси. (2003). Ан-найм. Арабча – ўзбекча лугат. Тошкент.
2. Атоуллоҳ Ҳусайнӣ. (1981). Бадойиъу-с-санойиъ. Тошкент.
3. Давлатов О. (2017). Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини. Самарқанд.
4. Фаниева С. (1981). Алишер Навоийнинг прозаик асарлари. Тошкент.
5. Ҳожиахмедов А. (1999). Шеър санъатлари ва мумтоз қоғия. Тошкент.
6. Ислом. Энциклопедия. (2017) Тошкент.
7. Кароматов Ҳ. (1993) Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (адабий-тарихий таҳлил). Тошкент.
8. Мансур А. (2001) Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Тошкент.
9. Носирова М. (2005) Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Умузаж фи-н-нахв» рисоласи. Тошкент.
10. Құдратуллаев Ҳ. (1998) «Бобурнома»нинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили (Навоий, Бобур, Ҳондамир ва Восифий насрининг қиёсий таҳлили асосида). Тошкент.
11. Рустамий С. (2017) Балофат илмида лингвистик назариялар ва тил ҳодисаларининг ёритилиши. Тошкент.
12. Rustamiy S. (2019). On significance of science of Balāqat in achieving linguistic aesthetic perfection. The Light of Islam, 2019(4), 14.
13. Rustamiy S., Lutfullaeva D., & Gulomova H. (2020). THE IMPORTANCE OF BALAGHA SCIENCE IN AESTHETIC EDUCATION. PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology, 17(6), 8882-8886.
14. Sagdullaeva D. (2020). "ANALYSIS OF ARABIC COLLOCATION IN THE WORK OF «KYASASI RABGHUZI», " The Light of Islam:Vol.2020:Iss.1,Article25.
15. Сайдумаров М. (1995). Ҳарирӣ мақомалари ўрта аср араб сажъи ёдгорлиги сифатида. Тошкент.

### REFERENCES

1. Authors team. (2003). An-naym. Arabcha – o‘zbekcha lug‘at. Tashkent.
2. Attaullah Husayni. (1981). Badai’u-s-sanai’. Tashkent.
3. Davlatov O. (2017). Navoiy she’riyatida Qur’on oyatlari va hadislarning badiiy talqini. Samarqand.

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг  
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўкув юрглари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари,  
мустакил тадқиқотчилари, магистрантлари,  
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK

**The Maturidiyya - الماتریدیة - Матуридизм**

4/2023

*Бош мұхаррір:* **Ж.Каримов**

*Мұхаррір:* **З.Фахриддинов**

*Нашр учун масъул:* **З.Арслонов**

*Чет тилларидаги матнлар мұхарріри:* **О.Сотволдиев**

*Дизайнер-саҳифаловчи:* **З.Ғуломов**

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)  
**E-mail:** [info@moturidiyuz](mailto:info@moturidiyuz)

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.  
Босишига 28.12.2023 йил рухсат этилди. Бичими  $60 \times 84 \%$ .  
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.  
Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 20.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



**IMOM MOTURIDIY**

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية